

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТИЛШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Э. А. УМАРОВ

**Э С К И Ў З Б Е К
Л У Ф А Т Л А Р И**

Тошкент—1992

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТИЛШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Э. А. УМАРОВ

Э С К И Ў З Б Е К
Л У Ғ А Т Л А Р И

Тошкент—1992

«БАДОЙИ-АЛ-ЛУҒАТ»

Алишер Навоий асарларига тузилган биринчи қомус «Бадойи-ал-луғат» ҳисобланади. У Ҳусайн Бойқаро фармони билан тузилган. Агар унинг вафоти 1506 йил эканлигини ҳисобга олсак, луғат 1500 йиллар орасида тузилганлиги маълум бўлади. Ҳозирча луғатнинг икки нусхаси маълум. Бирини Эронда, Сипоҳсолар кутубхонасида, иккинчиси Санкт-Петербург халқ кутубхонасида сақланмоқда. Луғатнинг Санкт-Петербург шаҳридаги қўлёзмаси 1750 йилларда кўчирилган бўлиб, 1960 йилда А. К. Боровков томонидан нашр қилинган.

Олим китобни нашрга тайёрлашга энг муҳими — сўзларнинг фонетик тузилишига оид нодир маълумотларни негизга тушириб қолдирган. Натижада луғат ҳамма ёдгорликлар қатори оддий транскрипцияда берилган. Айтиш лозимки, ушбу луғатда XV аср вокализми ва консонантизми — эски ўзбек алифбоси махсус атамалар орқали яхши очиб берилган. Луғат муаллифи Толи Имоний эски ўзбек тилидаги унли товушларни кўрсатиш учун бутун маҳоратини ишга солган. Натижада у тилда мавжуд бўлган 14 унли товушнинг ҳар бирини аниқ кўрсатган.

Луғатшунос маълумотига қараганда XV аср эски ўзбек тилида қуйидаги унли товушлар бўлган:

1. Алифи мамдуда — чўзиқ \bar{a} ; 2. Алифи мафтуха — оддий a ; 3. Алифи мақсура — қисқа a^* ; 4. Ба замма — оддий u ; 5. Ба замм бал ишбоъ — ўта қисқа u^* ; 6. Бал ишбоъ — қисқа U ; 7. Биля ишбоъ—«у»нинг кенг варианты— u^o ; 8. Бил фатҳ— \bar{u}^2 ; 9. Бил каср — оддий u ; 10. Бил каср бал ишбоъ — қисқа u^* ; 11. Бал ишбоъ—чўзиқ u^3 ; 12. Биля ишбоъ—«и»нинг кенг варианты— i^o ; 13. Бил фатҳ— \bar{e}^4 ; 14. Ба каср алиф бал ишбоъ — қисқа e^* .

Толи Имоний уларни фонологик жиҳатдан текшириб, буларнинг 9 таси, яъни 2, 4, 6, 7, 8, 9, 11, 12, 13 рақамли унлилар фонема, қолган 1, 3, 5, 10, 14 рақамли унлилар фонема варианты эканлигини таъкидлайди.

^{1, 2} ба замма изоҳида

^{3, 4} бил каср изоҳида

«Бадойи-ул-луғат»да 26 та ундош акс этган:

1. Бе (ب) ; 2. Пе (پ) ; 3. Те (ت) ; 4. Чим (چ) ;
5. Жим (ج) ; 6. Ҳа (ح) ; 7. Хе (خ) ; 8. Ре (ر) ;
9. Зе (ز) ; 10. Син (س) ; 11. Шин (ش) ; 12. То (ط) ;
13. Сод (ص) ; 14. Айн (ع) ; 15. Ғайн (غ) ; 16. Фе (ف) ;
17. Коф (ك) ; 18. Қоф (ق) ; 19. Гоф (گ) ; 20. Лом (ل) ;
21. Мим (م) ; 22. Нун (ن) ; 23. Вов (و) ; 24. Ҳе (ه) ;
25. Й (ی) 26. нг (نگ) .

Демак, Толи Имоний буйича эски ўзбек алифбоси 35 ҳарфдан иборат бўлган.

Луғат араб алифбоси асосида тузилган. Форсий п, г, ч ҳарфлари махсус бон ажамий, кофи ажамий, жими ажамий терминлари орқали кўрсатилган.

Ҳар бир ҳарфга турли миқдорда сўзлар келтирилган. Алиф, те, қ ҳарфларига кўпроқ, бошқа ҳарфларга камроқ мисоллар берилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Толи Имоний эски ўзбек алифбосини сирасига зол, изги, же, зод, се ҳарфларини киритмади. Чунки бу ҳарфлар ўрнига олим бурун товуши нг, сўз бошида келиб у, ў ҳарфларини англатувчи алифу вов ва п, э ҳарфларини англатувчи алифу ёй белгиларини киритади. Луғатшуноснинг бу ишнини эски ўзбек алифбосининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳаракат деб тушунмоқ лозим.

Луғатшунос луғат тузишда ўрта аср қомусчилигининг эмг яхши анъаналаридан фойдаланган. Ҳар бир сўз ҳақида уч хил маълумот қолдирган: 1. Сўзнинг товуш тузилиши; 2. Унинг маъноси; 3. Грамматик хусусияти.

Толи Имоний луғатда Алишер Навоий асарларидаги млнга яқин туркий сўзларини ўрта аср анъанасига мувофиқ форсча изоҳлаган. Луғатчи сўз маъносидан келиб чиқиб уларни турлича изоҳлайди. Айрим сўзлар содда, ихчам изоҳланади. Масалан туркий бўйдош сўзи оддий ва содда ҳамқад калимаси билан тушунтирилган, элак, парвизан сўзи билан изоҳланган. Бўри қисқа гўрг сўзи билан ўгирилган.

Толи Имоний сўз маъноларини тасдиқлаш учун бир байт мисол келтиради. Масалан, товуш сўзи садо ва овоз деб изоҳлангач, қуйидаги мисол келтирилади:

Анинг товушидин уйқонди Шопур,
Тоғиб тун зулматида бу неъмат нур.

Айрим сўзлар изоҳидагина икки байт келтирилади.
Муночи том сўзини луғатшунос форсча бом деб тушун-
тиргач, қуйидаги икки мисолни келтиради:

Қолиб итти янги ойни тоқ учун меъмори сун;
Қудрат илки боғлақон соат қошинг томи замин.

* * *

Томида эрмас кабутар хайли бу журъат била,
Ким парилар келди ошиқликка бу сурат била.

Мисол газаллардан олинганда тасдиқловчи байт олди-
дан шеър деб кўрсатилади. Достонлардан олинган мисол-
ларда эса асар номи кўрсатилади. Масалан, луғатшунос
таёқ қилмоқ бирикмасини изоҳлар экан, мисол «Сабъан
сайёра»дан олинганлигини алоҳида таъкидлайди:

Деди золимки бас қилинг урманг,
Букун ани таёқлаб ўлтурманг.

Луғатда сўзларнинг асосан кенг ишлатиладиган бир
маъноси келтирилади. Айрим жойлардагина уларнинг ик-
кинчи маъноси ҳам таъкидланади. Масалан сурмак феъли-
нинг икки маъноси, 1. сўрамоқ; 2. отларни ҳайдамоқ қайд
қилинган, икки байт мисол келтирилган:

Сурса майдон ичраким чобук югурмакким ишим,
Кейинга ул чобуки заррин камар бўлғайму деб.

* * *

Нуқта сургилки ҳосил ўлмиш ком,
Ким тоғибсен гар истадинг Баҳром.

Отлар луғатда бош қелишиқда, феъллар турли шакл-
ларда берилган. Луғатчи феъл формаларини алоҳида таъ-
кидлаб ўтади. Масалан қавштурмоқ феъли ёнига феъли
мутаади — ҳаракатни бажаришга ундаш белгисини қўяди,
сўнгра қуйидаги мисолни келтиради:

Кўнгул ҳалок эрур ғамзанг ўқлари бирла,
Нечукки сайд йиқилқай хаданглар қавушиб.

Луғатшунос XV асрда, Алишер Навоий даврида сўзлар
қайдай талаффуз қилинган бўлса, шундай қайд этади. Сўз-
ларнинг бу шакли бугунги кунда қандайдир ғайри табиий
туюлса ҳам, ўша давр учун табиий бир ҳол ҳисобланади.

Масалан бугунги чидамоқ сўзи XV аср, Алишер Навоий тилида жидамоқ шаклида ишлатилганлигини кўрсатиш учун луғатшунос унинг ёнига арабча жим белгисини қўяди:

жидамақ—ба касри жими арабий тоб оворданист.

Луғат маълумотларига қараганда шоир асарларида бугунги тупма, тугмача сўзи тагма, яъни «а»ли шаклда ишлатилган:

тагма—ба фатҳи то дар узвбанд дар пирохон ва қабо..

Луғатда бунга ўхшаш маълумотлар жуда кўп. Улар эски ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

«Бадойи-ул-луғат» Алишер Навоийнинг барлослар уруғидан эканлигини кўрсатувчи ҳужжат сифатида диққатга сазовор. Луғат маълумотлари бугунги кенг, тенг, бер каби сўзлар қипчоқча кинг, тинг, бир шаклида талаффуз қилинганлигини кўрсатади, яъни шоир асарлари тилида сўзларнинг «и» лашиш хусусияти кучли. Бу маълумотлар Алишер Навоийнинг XV асрда кўчирилиб махсус ҳаракатлар билан таъминланган «Ғаройиб-ус-сиғар» маълумотларига ҳамоҳанг. Бу девонда ҳам сўзларнинг «и» лашиш хусусияти яққол кўзга ташланади.

Хуллас, «Бадойи-ул-луғат» XV аср эски ўзбек луғатчилигининг ноёб ёдгорлиги ҳисобланади.

«ЛУҒАТИ НАВОИЙ»

1990 йили декабрь ойида «Шоҳнома»нинг минг йиллик маъракаларида қатнашган таниқли навоийшунос олима С. Ғаниева Техрон университети марказий кутубхонаси билан танишиш вақтида Алишер Навоийга оид бир қўлёзма борлигини аниқладилар. Қўлёзма билан танишиш уни фанда ҳали маълум бўлмаган ўзбекча-туркча «Луғати Навоий» эканлиги аниқланди. Алишер Навоий асарлари бўйича тузилган ушбу луғат 70 бетдан иборат бўлиб, ҳар бетига 15 сатрдан ёзилган. Қўлёзма чиройли настаълиқ хатида битилган. Луғат охирида тузувчининг исми шарифи ва асар тарихи аниқ кўрсатилган: Ражаб ибни Муҳиб Али Шомлу. Тарихи 1599 йил.

Луғатдаги биринчи сўз:
абушқа (1а)¹—аврат эридур шуй маъносина бир байт-
да келур, байт:

Бир ёндин ўгул гаму шиканжи,
Бир ёндин абушқа дарду ранжи.

Луғат охиридаги сўз:
йўлдамақ (35б) — йўл гўстармақ, байт:

Ул замон лутф бирла қўлда қўлум,
Дахи ўз жонибга йўлда йўлум.

Ушбу луғат араб-форс алифбоси бўйича тузилган бў-
либ, унда Алишер Навоий асарларидаги мингта яқин сўз
туркча изоҳланган. Луғатда сўз маънолари ихчам, содда
изоҳланган: тўкуз (26а) маъмур; илтурамақ (11а) йилди-
рамақ, зия вермақ; белгурмақ (20б) билдурмақ; битмақ
(20а) йазмақ; оқармақ (3а) ағармақ маъносина.

Луғатшунос ҳар бир сўз маъносини тасдиқлаш учун бир
байт мисол келтиради. Чунончи эллик сўзига қуйидаги байт
мисол тариқасида келтирилган: эллик (10б) ташдид ила
алли демақдир, байт:

Эллик била алтмишқа етти қадамим,
Не маъники бўлмади эркин рақамим.

Тергамақ сўзининг маъноси қуйидаги байт билан ис-
ботланган:
тергамақ (23б) манъ ўлмақ, байт:

Халойиқ ҳар не қилса тергамақ йўқ,
Не қилгани ёмон қилдинг демақ йўқ.

Араб ёзувида шакли бир хил ёзиладиган сўзлар алоҳи-
да-алоҳида луғат мақолаларида берилган:

тун (26б) дун яъни геча демақдур; тўн (26б) либоёки
гийарлар, байт:

То қизил тўн ичра бўлди жилвагар моҳим менинг,
Меҳр этар ҳар дам шафақ хуноби ичра изтироб.

илқи (11а) от сурусина дерлар...; илқи (11а) йилқи де-
мак...; тонг (22а) тонг, субҳ маъносинадур; тонг (22а) та-
ажжуб маъносина келур.

Луғатда асосан сўзларнинг кенг ишлатиладиган бир
маъносигина берилди. Масалан луғатшунос ақсум сўзи-
нинг пушаймон маъносини келтиради:

ақсум (3а) пушаймон демақдур, байт:

¹ Қавс ичидаги рақам қўлёзма саҳифасини кўрсатади.

Май ичанг ўлмагил ақсумки пири дайр деди,
Ки бу иш ўлди бизнинг дайр аро гуноҳ, ёзуқ.

Кулгу сўзининг кулмак маъноси берилган: кулгу (33а)
кулмак, байт:

Лаблари хандон бўлур, кўзумда кўрса йиғламоқ,
Кўзларим йиғлар лаби жонбахшида кулгу кўруб.

Айрим сўзлар изоҳидагина икки маъно қайд қилинган: сиз-
мак (27б) йазмақ ва нақш этмак маъносинадур; ёпмоқ сў-
зининг ҳам икки маъноси кўрсатилган:

ёпмоқ (34б) қабамақ ва ўртмак, байт:

Юзунг олдида ҳар нафас тутма кўзгу,
Куюшни қамар ёпмоқ эрмас муносиб.

Луғат 24 ҳарфга бўлинган. Ҳар бир ҳарфга бирдан то
20 гача сўз келтирилади. Масалан айн ҳарфига битта ало-
ла-ғавго; ғалаба, ғайн ҳарфига иккита роза-қизил, ғина
(қўшимча) сўзлари келтирилган. Луғатда энг кўп сўзлар
ўзбек тилига хос алиф, те, ёй ҳарфларига келтирилган.
Изоҳланувчи сўзларга мисоллар Алишер Навоийнинг асо-
сан поэтик асарларидан олинган. Масалан бор (19б) сўзи-
га «Ҳазойин-ул-маоний»дан бир байт келтирилади:

Кимки анинг бир малак сиймо париваш ёри бор,
Одами эрмас малак бирла паридин ори бор.

Исирга (8а) сўзига «Ҳайрат-ул-аброр»дан бир байт берил-
ган:

Олту исирғаки қулоғ оғритур,
Зарҳал ўтукдурки оёғ оғритур.

Луғатшунос сўз тузилишини аниқ кўрсатиш мақсадида
сўзларни алифбо тартибида бўлиб чиққач, улар таркиби-
даги иккинчи ҳарфни таъкидлаш мақсадида уларни яна
уч: фатҳали, заммали, касрали бўлимларга бўлади. Бу нар-
са сўзнинг товуш тузилишини аниқлашда катта аҳамиятга
эга. Ўрта аср луғат тузиш қоидалари асосида китобат қи-
линган ушбу луғатда изоҳланаётган сўз қизил сиеҳда аж-
ратиб кўрсатилган. Бу нарса ўқувчини у ёки бу сўзни тез
топишга ёрдам беради. Мисол сифатида келтирилган байт
мисралари эса бир-бирдан уч қизил нуқта(* * *) билан
ажратиб кўрсатилади. Бу нуқталар қадимги қўлёзмаларда
махсус тиниш белгилари бўлганлигини кўрсатадиган ҳуж-
жат сифатида диққатга сазовордир. Луғатни ўқиш жараё-

инда ундан эски ўзбек тилига оид жуда кўп маълумотлар олиш мумкин. Масалан луғатшунос сўз таркибидаги ҳарфларни аниқ кўрсатиш мақсадида ташдид яъни иккилантини атамасини ишлатади. Элтти сўзи изоҳида луғатшунос «т» ҳарфини иккиланганлигини таъкидлаш мақсадида бу атамани ишлатади: элтти (12а) ташдид ила элтди демак... Луғатшунос и, у унлиларини имола-тор атамаси орқали кўрсатади. Масалан луғатшунос зерикмоқ маъносидаги ирукмак сўзи изоҳида сўз бошини тор унли, яъни «и» билан ўқиш кераклигини кўрсатиш мақсадида бу атамани ишлатади: ирукмак (7а)... имола ила талаффуз ўлунур...

Бир кун ирукуб маҳи муаддаб,
Тушти бошига ҳавойи мактаб.

Маълумки, араб ёзувидаги (ك) белгиси к ва г ҳарфини бериши мумкин. Луғатшунос у ёки бу сўзни «к» ёки «г» ҳарфи билан ўқилиши лозимлигини аниқ кўрсатиш мақсадида уларни кофи арабий, кофи ажамий атамалари билан атайди. Агар сўз ёнига кофи арабий атамаси қўйилса, бу сўзни «к» билан, агар кофи ажамий бўлса, уни «г» ҳарфи билан ўқилишлигини таъкидлайди: **ايکين** (9а) кофи арабийла акин демакдур... ва кофи ажамийла агин, яъни орқа маъносидаки форсийда пушт дерлар. Луғатда отлар бош келишиқда, феъллар турли шаклларда берилган. Масалан, илқи—йилқи бош келишиқда қўйидагича берилган: илқи (11а) йилқи демак, байт:

От анга берурки юз илқиси бор,
Сийм анга берурки юз илқиси бор.

Худди шу ҳолни мактуб маъносидаги битик сўзида ҳам кўриш мумкин: битик (20а) мактуб, байт:

Ҳам ушул туфроғидин сочиб қурутунг номани,
Есангиз ул ойга жисму туфроғ ўлғондин битик.

Топмоқ феъли луғатда қўйидаги шаклларда берилган: табти (21б) бўлди; топар-бўлур демакдур; тобғали — бўлали; тобқучи—бўлғучи.

Унамоқ феъли икки хил шаклда келган: унамоқ (19б) рази ўлмак демакдур; унаб (19б) рази ўлуб демак ўлур, байт:

Томуғ ўтига унаб ҳажринг ўтига унамон,
Бошим борувга чидармен, фироқинга чидамон.

Хуллас, ўрта аср луғатчилик анъаналари асосида тузилган ушбу луғат бир томондан Алишер Навоий асарларини ўқиш, ўрганиш ўша даврдаёқ катта қизиқиш уйғотганлигини кўрсатса, иккинчи томондан бугунги ўқувчи учун шоир асарларидаги эски ўзбек тилига оид сўз маъноларини аниқлашда катта аҳамиятга эга.

«АБУШҚА»

Ўзбек тилига давлат мақоми берилгач, эски ўзбек ёзуви, бу ёзувда битилган ёдгорликларга қизиқиш янада кучайди. Айниқса ота боболаримиз томонидан тузилган қадимги луғатларга қизиқиш янада ортди. Шу жиҳатдан олиб қараганда бундан тўрт юз эллик йил илгари тузилган биринчи ўзбек тилининг изоҳли луғати фанда «Абушқа» номи билан аталган ёдгорлик катта аҳамиятга эга¹. Ушбу луғатнинг фанда ўндан ортиқ нусхалари маълум бўлиб, улар дунёнинг турли қўлёзма хазиналарида сақланмоқда. Унинг энг қадимги нусхалар ичет эл хазиналарида. Фан учун аҳамиятли бўлган ана шу ёдгорликларни ўз ватанига, ўз меросхўрларига қайтариш бугунги кунда жумҳуриятимиз олдида турган энг шарафли вазифа ҳисобланади. Илгари бу луғатнинг 1552 йилда китобат қилинган Вена нусхасидан фото кўчирма олинган эди. Энди Техрон нусхасидан ҳам кўчирма олинди. Шундай қилиб, чет эл хазиналарида сақланаётган яна бир ёдгорлигимиз ҳақида янги маълумотларга эга бўлдик.

Фотонусхадан кўришиб турибдики, қўлёзма тўлиқ ва яхши сақланган. Луғат йирик настаълиқ хатида ёзилган. Ҳажми 201 varaқ, яъни 402 бетдан иборат. Ҳар бетда тўрттадан саккизтагача сўз мисоллар билан изоҳланган. Луғат анъанавий бисмиллаҳур раҳмонир раҳим билан бошланиб, ювмай сўзи изоҳи билан якунланган.

Луғатнинг бу нусхаси Техрондаги Малак кутубхонасида «Фарҳанги девони Амир Алишер Навоий» номли қўлёзма таркибида сақланмоқда. Бу қўлёзма таркибида бундан бошқа яна «Хулосаи Аббосий» ва Надр Али луғатлари бор.

¹ Б. Ҳасанов, Жавоҳир хазиналари. Тошкент, 1989, 17—30-бетлар.

Ушбу луғатнинг Вена ва Техрон нусхаларини солишти-
риш шунн кўрсатадики, ҳар иккала луғат охирида тамат ул
шарҳ би тавфиқ ал мулк ал ваҳҳоб Мустафо бин Содиқ деб
беланган. Бундан кўринадики, ушбу луғат турк олими Мус-
тафо бинни Содиқ томонидан тузилган. Афсуски, луғатшу-
носнинг номи шу вақтгача номаълум эди. Энди катта меҳ-
нат сарфлаб луғат тузган олимнинг ҳақиқий исми-шарифи
аниқланди. Луғат Мустафо бинни Содиқ томонидан тузилган-
лиги ҳар иккала луғат охиридаги қуйидаги тўртликда
ҳам кўриниб турибди:

Ман навиштам сарф қардам рўзгор,

Ман намонам ин бимонад ёдгор.

Худоё биёмурз ош бандаро,

Ки ал ҳамд хонд нависандаро.

Мен кунларни сарф қилиб ёдим уни,

Мен қолмайман (луғат) қолади ёдгор.

Худоё сақласин бу бандам,

Ўқиганга ҳам, ёзганга ҳам ҳамдлар бўлсин.

Энди луғатнинг муаллифи аниқланди, аҳмо у тартиб
берилган йил ҳозирча номаълум бўлиб қолмоқда. Ҳозирча
луғатнинг бизга маълум энг қадимги Вена шаҳридаги ну-
схаси 1552 йил тарихга эга.

Содиқ бинни Мустафо ўз даврининг ўқимишли кишиси
бўлгани учун ўз мақсадини ўрта аср анъанасига мувофиқ
маҳсуе шеърий сўзбошида ифодалаган. Сўзбошида Содиқ
бинни Мустафо Мир Алишер бўстонига назар қилганини:

Неча бўстону боғи гашт эттим,

Неча гулзор сайрига еттим.

у ердаги гул ва райҳонлар (сўзлар) уни мафтун этганини:

Токи бир равазага гузар қилдим,

Гулу райҳонига назар қилдим.

Раиғу бў ўзга ҳар гулида анинг,

Нагма бир навъ булбулда анинг.

бу гуллар унинг кўнглига луғат тузиш ҳавасини солганини
блади:

Лидоқ айлади кўнғлума бу ҳавас,

Ки луғатни жамъ этай мен бас.

Сўзбоши охирида луғатшунос ўзини келгуси авлод ях-
ши ном билан эслашларига умид қилади:

Ки улус ичра хайр ила авло ёд,

Ҳар нечку жисм хоки бўлғай бод.

Ҳа, бугун луғатшуноснинг умиди рўёбга чиқди. Ушбу луғатни ўқиган минглаб ўқувчилар унинг номини хайр ва авло билан эсламоқдалар. Чунки олим желажак авлод учун эски ўзбек тили бўйича ноёб луғат қолдирди. Бу луғат нафақат тил тарихи мутахассислари учун балки кенг ўқувчилар учун Алишер Навоий ижодини ўрганишда муҳим қўлланма бўлади.

Ушбу луғатнинг аҳамиятли томонларидан бири шуки, луғатшунос изоҳланаётган ўзбек сўзларининг XV—XVI асрларда қандай талаффуз қилинганлигини аниқ кўрсатишга ҳаракат қилган. Олим сўз тузилишини икки хил усул билан тушунтирган.

Биринчидан, Мустафо бинни Содиқ изоҳланаётган сўзнинг товуш тузилишини аниқ кўрсатиш мақсадида унинг ост-устига ҳаракатлар (фатҳа, замма, касра, сукун) қўйган. Масалан, луғатшунос ҳусн маъносигаги кўрк сўзини ёзар экан, унинг орфоэпиясини аниқ кўрсатиш мақсадида биринчи «к» устига замма (ў), иккинчи «к» устига эса сукун белгисини қўядики, бу белгилар ўқувчини уни қарик, кирук каби ўқилишлитидан сақлайди.

Тегирмон маъносигаги йирғучақ сўзини ёзган, луғатшунос унинг товуш тузилишини аниқ кўрсатиш мақсадида «й» ва «ч» ҳарфларига фатҳа (а), «р» ва «қ» ҳарфларига сукун, «ғ» устига замма (у) белгисини қўяди. Пухта ўйлаб қилинган бу усул туфайли ўқувчи уни йирғучақ, йирғучуқ каби ўқимаслиги ҳақида огоҳ топади. Қисқаси, луғатшунос ҳар бир ҳарф устига турли хил белгилар қўйиб, унинг тўғри ўқилишлиги ҳақида гоят қимматли маълумотлар қолдирган. Олимнинг бундай машаққатли меҳнати туфайли ўзбек тилининг тарихий фонетикасига сид кўпдан-кўп янги маълумотлар олиш мумкин.

Луғатда фонетикага сид маълумотлардан бири имола атамаси орқали берилган. Луғатшунос «у» унлисини ана шу атама билан кўрсатади. Масалан, тўра сўзини изоҳларкан, бу сўз шу туришда одат ва қонун маъноларини, агар «у» билан талаффуз қилинса жанг вақтида кийиладиган кийим маъносини англатишини таъкидлайди: **توره** — одат ва қонун маъносинадир, аммо имола (у) ила ўқунса одам

бўйича дузилмиш қалқона дерларки, жанг кунларинда аҳли жанг ани ўкларина дуғуб жанг эдарлар...

Луғатдаги бунга ўхшаш маълумотлар эски ўзбек тили тарихий фонетикаси бўйича қимматли маълумотлар беради. Иккинчидан, луғатшунос сўз таркибидаги ҳарфларни ҳам алоҳида таъкидлаб кўрсатган. Шу жиҳатдан қараганда бу луғат ўзбек тили тарихи учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга. У узоқ мозийда ўзбек сўзларининг қандай талаффуз қилинганлигини ва ёзилганлигини кўрсатувчи ноёб ҳужжатдир. Ушбу луғат ўзбек тили тарихида тузилган биринчи изоҳли луғат ҳисобланади. Унда Алишер Навоий асарларидан олинган миңдан ортиқ сўз ва иборалар туркча изоҳланган: оқизди — оқитди демакдур; ақсум — пушаймон маъносинадур..; ини—кучак қардоша дерлар.., тўпа—дапа демакдур.., сизди—чизди ва язди демакдур...

Луғатшунос луғат тузишда ўрта аср шарқ луғатчилигининг энг яхши анъаналаридан унумли фойдаланган. Сўз маънолари содда ва ихчам очиб берилган. Содиқ бинни Мустафо ҳар бир маънони тасдиқлаш учун шоир асарларидан бир байт, айрим жойларда икки ва ундан ортиқ байт ҳажмида тасдиқловчи мисол келтиради. Масалан, луғатда дегач сўзи маъносини очиш учун бир байт мисол келтирилади:

дегач — адажак сўз маъносинадур ва бир дахи дейажак демакдурки «Ғаройиб-ус-сиғар»да келур, байт:

Дегач абжад бошига эврулурлар,

Қамар бирла қуёш яъни жаду об.

Дегай сўзи қуйидагича изоҳланган:

дегай—коф кофи ажамидур дейа демакдур ва дейим демакдурки Убайдхон ашоринда келур, байт:

Не манга гамхораи ким анга ҳолимни дегай,

Не ғамим бор не сўзум айтур кишим боз олдида.

Мисолдан кўриниб турибдики, луғатшунос изоҳланаётган сўзни товуш тузилишини аниқ кўрсатиш мақсадида араб ёзувида бир хил ёзиладиган «к» ва «г» ҳарфларидан қай бири ишлатилганини аниқ кўрсатиш мақсадида, дегай сўзи таркибида кофи ажами, яъни «г» ҳарфи ишлатилган деб таъкидлаб, ўзбек шоири Убайдхон асаридан бир байт келтирган.

Ўшбу луғатнинг Навоий асарларига тузилган бошқа қомуслардан фари шуки, унда шоирнинг тилшуносликка бағишланган «Муҳокамат-ул-луғатайн» асаридан ҳам мисоллар берилган. Масалан, луғатшунос чўрпа сўзи изоҳида бу асардан қуйидаги мисолни келтиради: чўрпа—ханзирик (чўчқа) йурусуна дерларки «Муҳокамат-ул-луғатайн»да Навоий ҳазратлари бу луғатни тасҳиҳ этмишларки: ва бир шўру шайнлиғ овки, тўнғиз овидур, анинг ҳам эркағини қобон тишисина мегажин ва ушоғин чўрпа дерлар ва сорт барчасин хук ва гуроз лафзи била айтур.

Кўринадики, Содиқ бинни Мустафо ўз луғатининг тўлиқ бўлиши учун шоирнинг ҳамма асарларидан мисоллар олишга ҳаракат қилган. Луғатдан кўринишича, Содиқ бинни Мустафо шоир асарларини чуқур ва атрофлича ўрганган. У ёки бу сўз изоҳида уни шоирнинг қайси асаридан, нечанчи бобида учрашлигини аниқ кўрсатади. Масалан, бергали сўзини изоҳлар экан, уни «Ҳайрат-ул-аброр»дан эканлигини кўрсатиб, бу сўз бешинчи мақолатда учрашлигини таъкидлайди: бергали—яна коф коф ажамийдур верали ва вермак ичун демакдурки, «Ҳайрат-ул-аброр»да бешинчи мақолада келур, байт:

Муштаҳи эл юз эса нон бергали,

Луқма тотурмас тилабон мумталиий.

Айрим вақтларда луғатшунос изоҳланаётган сўз асарда бирор воқеани тасвирида бағишланган жойда учрашлигини кўрсатиб ўтади. Масалан, куёв сўзи «Лайли ва Мажнун»да Лайли ва Мажнун вафотига бағишланган воқеа тасвирида учрашлигини таъкидлайди: куйав—коф коф арабидур куйку маъносина дерки Мажнун ва Лайлида Мажнун ва Лайли вафот эдуб икисин бир қабра қуйдуқлари маҳалда келурки байт:

Бир маъшга солдилар иковни,

Жонсиз келнуну ўлик куйавни.

Луғатда сўз маъноси асосан икки хил усулда очиб берилган. Биринчи усулда луғатшунос сўз маъносини бир сўз билан лўнда изоҳлайди. Чунончи кўкумтул сўзи кўмкук деб изоҳланган: кўкумтул—кофлар кофи арабийдур кўмкук демакдир.

Иккинчи усулда сўз маъноси тушунтириш йўли билан

очиб берилади. Қуйида қиров сўзи шу йўл билан изоҳланган: қиров—қирағу демакдурки савуқ айёмда геча ила ҳаводан ера душар ери ағардурки «Наводир-уш-шабоб»да келур, байт:

Хуллан кофургун ул хилъати хузро уза,

Сабзаи хузройа гўё тушти раҳматдин қиров,

ва яна «Фарҳод ва Ширин»да ҳоқон Фарҳода салтанатини таклиф этдуки маҳалда келурки, байт:

Соқол ағи ўлумга пешравдур,

Тириклик сабзаси узра қиравдур.

Луғатшунос айрим сўзлар маъносини очинишда қадимги туркий одатларга мурожаат қиладики, бу луғатнинг аҳамиятини янада оширган. Содиқ бинни Мустафо тўқуз сўзи изоҳида «Ғаройиб-ус-сиғар»дан бир байт мисол келтирган:

Ғам ғизоси орасида қани туркона оёғ,

Тўра ойини била томса тўқуз, оқса ўтуз.

бу сўз чигатой ўзбекларида томса тўққуз оқса ўттуз ибораси билан боғлиқлигини таъкидлаб унинг тарихини қуйидагича тушунтиради: ул одат будирки суҳбатда қадаҳдан бир тамла дўкулса тўқуз қадаҳ ичирирлар, агар бир қадаҳ дўкулса ўттуз қадаҳ ичирирлар.

Луғатдаги бунга ўхшаш маълумотлар эски ўзбек тили бўйича қимматли маълумотлар беради, бизнинг эски ўзбек тили бўйича маълумотларимизни кенгайтиради. Ушбу луғатнинг фотонашри амалга оширилса, эски ўзбек ёзувини ўрганувчилар, шунингдек кенг зиёлилар оммаси учун фойдали бўлар эди.

«ЛУҒАТИ ТУРКИЙ»

Бобирийлар Ҳиндистонда ҳукмронлик қилар эканлар, ўз она тили — ўзбек тилини имкон борича сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар. Уйда ва ўзаро мулоқотда ўзбек тилидан фойдаландилар. Бобирийлар ўз она тилини унутиб юбормаслик мақсадида олимларга турли қўлланма ва луғатлар

тузишни буюрдилар. Улар кўп вақт бобирийлар учун қимматли қўлланма вазифасини бажариб келди. Инглизлар Ҳиндистонни босиб олганидан сўнг кўпгина ҳинд бойликлари қаторида бу нодир лугат ва қўлланмалар ҳам Англияга олиб кетилди. Улар ҳозир Лондондаги музей ва кутубхоналарнинг нодир ёдгорликлар бўлимида сақланмоқда. Жумладан шоҳ Жаҳоннинг ўғли Аврангзеб буйруғи билан Фазлулаҳон барлос томонидан тузилган «Лугати туркий» ҳам Лодоннинг машҳур Британия музейида сақланмоқда.

Лугат қўлёзманинг 2а—53а бетларига жойлаштирилган. Ҳар бир бетда 15 сатр матн бор. Қўлёзма чиройли настаълиқ хатида битилган. Матнлар 7,5x14 см. ли жадвалга олинган. Қўлёзманинг биринчи ва охириг бетида муҳр бор. Муҳр ичида Бангола, ҳижрий 1193 ёзуви бор. Бу мелодий ҳисобда 1779 йилга тўғри келади.

Фазлуллаҳон барлос лугатдаги сўзларни жойлаштиришда ўзбек тилининг ички хусусиятларидан келиб чиқади. Феълларни ўн уч ҳарфга, исмларни ўн саккиз ҳарфга бўлади. Араб-форс тилларига ҳос же, зе, итқи, изғи, зод, сод каби ҳарфлар билан бошланувчи сўзларга мисоллар бермайди. Лугат бисмиллоҳу раҳмону раҳим калимаси билан бошланиб, тўлга сўзи изоҳи билан тугайди. Лугатни шартли равишда тўрт қисмга бўлиш мумкин.

«Лугати туркий»нинг биринчи (2а—6а) қисмида ўзбек тилидаги сўз ясовчи ва сўз ўзгартирувчи қўшимчалар ҳақида умумий маълумот берилади. Шунингдек, бу ерда ўзбек тилидаги феълларнинг нутқда ишлатиладиган турли шакллари форсий тилда изоҳланади.

Фазлуллаҳон барлос ҳар бир қўшимча ҳақида ёзар экан, уларнинг маъно хусусиятлари ҳақида қисқа ва лўнда маълумот бериб ўтади. Масалан олим «са» қўшимчаси ҳақида шундай ёзади: дигар лафзи са дар охири феъл барои шарт бибояд, масалан келса келаман яъни агар биёйи биёям. Таржимаси: са қўшимчаси феъл охирига қўшилиб шарт майлини англатади, масалан келса келаман яъни (форсчаси) биёйи биёям. Дек ва каби ўхшатиш калималари маъноси қуйидагича изоҳланган: дигар дек ва каби ба маъни монанд ва шабихист, масалан қуёшдек яъни монанди офтоб ва юлдуз киби монанди ситора. Таржимаси: дек ва киби ўхшаш маъносини англатади, масалан, қуёшдек ва юлдуз киби.

Бундай маълумотлар ўзбек тилини тез ва осон ўрганиб олишда катта аҳамиятга эга. «Лугати туркий»нинг иккинчи (6а—13а) қисмида эски ўзбек тилида кўп ишлатиладиган феъллар келтирилган. Феълларнинг товуш тузилиши аниқ кўрсатилган: **بارماق** (8б) ба фатҳа бо ва сукуни

рои муҳмала рафтан
бармак — «б» фатҳали, нуқтасиз «р» сукунли (форсча)
рафтан **آولماق** (6б) ба мадда алиф ва сукуни вов ва

фатҳа лом шикор кардан
айламақ — алиф чўзиқ. «в» сукунли, «л» фатҳали (форсча)
шикор кардан

ايلاماк (6б) ба алифи мафтұҳа ва сукуни ёйи ҳутти ва
фатҳи лом кардан

айламақ — алиф фатҳали, ёйи ҳутти («й») устида сукун,
лом фатҳали (форсча) кардан. Лугатнинг учинчи (13а—
50а) қисмида от туркумига оид сўзлар келтирилган. Улар
мавзу жиҳатдан хилма-хил: уй рўзгор асбобларидан то ов-
қат номларигача бўлган сўзларни ўз ичига олади. Бу қисм-
да келтирилган сўзларнинг товуш тузилиши ҳам ҳарфма-
ҳарф аниқ кўрсатилган. Бу маълумотлар ўзбек тили тари-
хи учун катта аҳамиятга эга:

ياپقوو (49а) ба фатҳа ё ва сукуни бо и форсий ва замма
қоф ва сукуни вов ба маънии парда-йапқув—«й» фатҳали,
форсий «б» (яъни «п») сукунли, «қ» заммали, вов сукунли
маъноси-парда.

تام (27а) ба фатҳи то ва сукуни мим бом ва девор-
там—«т» фатҳали, мим устида сукун (форсча) том ва де-
вор.

آتا (13а) ба фатҳи алифи мамдуда ва тои қарашат
мафтұҳа ва алифи сокина мафтұҳа падар-ата — алиф чў-
зиқ, «т» фатҳали, алиф устида сукун (форсча) падар. Лу-
гатнинг тўртинчи (50а—53а) қисмида сон, қабила, мева,
ғалла, ҳашарот, ҳайвонот оламига оид сўзлар гуруҳ-гуруҳ
қилиб берилган.

Масалан ғалла туркумида қуйидаги сўзлар келтирил-
ган: гиринч-биринч, бугдой-гандум, арпа-жав. Ўзбек қавми-
га кирувчи уруғ номлари ҳам диққатга сазовор: юз, қирқ,
найман, кенагас, хитой, кироит, жалойир, қанғи, мангит,
қиёт. Мева туркумига қуйидаги сўзлар келтирилган: узум-
ангур, ўрук-зардолу, алма-сиб, ҳайва-беҳи, қовун-ҳарбуза.

Ҳашарот мавзуси остида берилган сўзлар ҳам диққатга сазовор: илон-мор, чаён-каждум, балиғ-моҳи, ари-занбур.

Дастлабки кузатишлар лугатда 12 унли товуш ишлатилганлигини кўрсатади. Улар Фазлуллахон барлос томонидан махсус терминлар орали кўрсатилган. Унли товушларнинг сифат хусусиятларини аниқлашда қуйидаги терминлардан келиб чиқдик: фатҳа—а, замма—у, касра—и, тафхим—кенг, тарқиқ—қисқа, ҳамза—очиқ.

1. «а» унлиси фатҳа орқали:

لاغ (44а) ба фатҳи лом ба алиф ва сукуни ғайни муъжама ба маъни жой.

лағ—«л» фатҳали, нуқтали «ғ» устида сукун (форсча) жой.

2. Чўзиқ „ā“ алифи мамдуда орқали:

آتا (13а) ба фатҳи алифи мамдуда ва тои қарашати мафтуҳа ва алифи сокина мафтуҳа падар-āта — алиф чўзиқ, «т» фатҳали, алиф устида сукун (форсча) падар.

3. Чўзиқ ā⁰ унлиси ба фатҳи ҳамза мамдуда орқали:

آتسيز (15а) ба фатҳи ҳамза мамдуда ва сукуни тои қарашат ва тарқиқи касра сини муҳмала ва сукуни зо беном —ā *тсиз —бошида ā⁰ «т» устида сукун, нуқтасиз «с» қисқа «и» билан, «з» устида сукун (форсча) беном.

آش (15а) ба фатҳи ҳамза мамдуда ва сукуни шини муъжама навъи аз таоми маъруфист ш — бошида ā⁰ нуқтали «ш» устида сукун машҳур таомлардан бири.

4. «м» унлиси касра орқали:

كچه (43б) ба касри коф ва фатҳи жими даҳон вақти шаб кича—«к» касрали, «ж» фатҳали (форсча) вақти шаб.

قين (39б) ба касри қоф ва сукуни ёйи ҳутти ва нуни хафи ба маъни ғилофи корд қийн — «қ» касрали, «й» устида сукун, нун жарангсиз (форсча) ғилофи корд.

5. қисқа «и» — ба тарқиқи касра орқали:

بيچاق (22а) ба тарқиқи касра бо, жими форсийн мафтуҳа ба алиф ва қофи сокина корд

бичақ — «б» қисқа «и» билан, форсий «ж» (яъни «ч») фатҳали, қоф устида сукун (форсча) корд.

قارينداش (38a) ба фатҳи қоф ба алиф ва тарқиқи касра рои муҳмала ва сукуни нун ва фатҳа доли муҳмала ба алиф ва сукуни шин хеш ва бародар-қариндош — «қ» фатҳали, нуқтасиз «р», қисқа «и» билан, нун устида сукун, нуқтасиз «д» фатҳали (форсча) хеш ва бародар.

6. «у» унлиси замма орқали:

بالتو (23б) ба фатҳи бо алиф ва сукуни лом ва замма тои қарашат табар
балту — «б» фатҳали, лом устида сукун, «т» заммали (форсча) табар.

7. қисқа «у» — ба тарқиқи замма орқали:

تورماق (9б) ба тарқиқи замма то ва сукуни рои муҳмала истодан-турмақ — «т» қисқа «у» билан, нуқтасиз «р» устида сукун (форсча) истодан

بولاق (22a) ба тарқиқи замма бои абжад ва фатҳа лом ба алиф ва сукуни қоф чашма...
булақ — «б» қисқа «у» билан, лом фатҳали, қоф устида сукун (форсча) чашма.

8. Қисқа «у^о» унлиси ба тарқиқи замма ҳамза орқали:

اوتاغ (15б) ба тарқиқи замма ҳамза ва фатҳа тои қарашат ва сукуни ғайн хона
у^отағ — бошида «у^о» унлиси, «т» фатҳали, «ғ» устида сукун (форсча) хона.

اوچاغ (15б) ба тарқиқи замма ҳамза ва фатҳа жими форсий ва алиф ва сукуни ғайн дектон

у^очағ — бошида «у^о» унлиси, форсий «ж» (яъни «ч») фатҳали, ғайн устида сукун (форсча) дектон.

9. «ў» унлиси ба тафҳими замма орқали:

سوزلاماق (10a) ба тафҳими замма сини муҳмала ва сукуни зои муъжама ва фатҳи лом сухан гуфтан сўзламақ — нуқтасиз «с», «ў» унлиси билан, нуқтали «з» устида сукун, лом фатҳали (форсча) сухан гуфтан.

كومماق (11б) ба тафҳими замма кофи арабий ва сукуни мими аввал дафн кардан.

кўммақ — арабий «к», «ў» унлиси билан, биринчи мим устида сукун (форсча) дафн кардан.

10. «ў^о» унлиси ба тафҳими замма ҳамза орқали:

اويناش (156) ба тафҳими замма ҳамза ва сукуни ёйи хутти ва фатҳи нун ва сукуни шин зино

ўйнаш — бошида «ў^о» унлиси, «й» устида сукун, «н» фатҳали, «шин» устида сукун (форсча) зино.

اورتا (13а) ба тафҳими замма ҳамза ва сукуни рои муҳмала ва фатҳи тои қарашат дар миёна

ўрта — бошида «ў^о» унлиси, нуқтасиз «р» устида сукун, «т» фатҳали (форсча) дар миён.

11. «э» унлиси — ба тафҳими касра орқали:

بيرماک (86) ба тафҳими касра бо ва сукуни рои муҳмала додан бэрмак — «б» «э» унлиси билан, нуқтасиз «р» устида сукун (форсча) додан.

تينگرى (28а) ба тафҳими касра то ва нуни хафи ва сукуни кофи форсий ва тарқиқи касра рои муҳмала жаноби худованди таоло.

тэнгри — «т» «э» унлиси билан, «нун» жарангсиз, форсий «к» (яъни «г») устида сукун, нуқтасиз «р» қисқа «и» билан (форсча) худованди таоло.

12. «э^о» унлиси — ба тафҳими касра ҳамза орқали:

ايتاک (156) ба тафҳими касра ҳамза ва фатҳи тои қарашат ва сукуни кофи форсий доман

э^отаг — бошида «э^о» унлиси, «т» фатҳали, «к» форсий (яъни «г») устида сукун (форсча) доман.

ايب (136) ба тафҳими касра ҳамза ва сукуни бои форсий ресмон.

э^оп — бошида «э^о» унлиси, форсий «б» (яъни «п») устида сукун (форсча) ресмон.

Дастлабки кузатишлар шуни кўрсатадики, келтирилган бу ўн икки унлидан тўққизтаси фонологик аҳамиятга эга а, а^о, и, у, у^о, ў, ў^о, э, э^о) қолган учтаси (чўзиқ „ā“, қисқа «и» ва «у») бундан маҳрум. Луғатни чуқурроқ ўрганиш бир томондан эски ўзбек луғатчилик мактаби ҳақида янги маълумтлар берса, иккинчидан бизнинг Хиндистондаги эски ўзбек тили ҳақидаги билимимизни оширади.

«САНГЛОҲ»

Алишер Навоий асарлари бўйича тузилган луғатлардан энг каттаси «Санглоҳ»дир. Муаллифи туркий халқларнинг афшар уруғидан чиққан астрободлик Мирза Махдихон. У ўз замонасининг билимли, зукко олими бўлиб, тилларни ўрганишга қобилияти зўр эди. Араб, форс, тожик, ҳинд, рус тилларини билар эди. Махдихон ёзув-чизувни яхши билгани учун маълум давр Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг котиби вазифасида ишлади. У ҳақида тарихий асар ёзди. Шоҳ вафотидан кейин тинч ижодий меҳнат билан шуғулланди. У кўп йил меҳнат қилиб, Алишер Навоий асарларига луғат тузади. Луғат тузишдан мақсад шоир асарларида учрайдиган қийин сўзлар маъносини форсий забон халқларга очиб бериш эди. Шунинг учун у луғатни «Санглоҳ», яъни тошли ер, тошлоқ деб атади. Луғат 1759—60 йилларда ёзиб тугалланган. Ҳозирча луғатнинг уч нусхаси аниқланган, улар Англия қўлёзма хазиналарида сақланмоқда. 1960 йили машҳур инглиз олими Джерард Клосон ушбу луғатни турли кўрсаткич, шарҳ ва изоҳлар билан Лондонда нашр қилди.

Афсус, бу нодир ёдгорлик кам нусхада нашр қилинган сабабли у ҳамон кўпчиликка номаълум бўлиб келмоқда. Луғат араб алифбосининг 28 ҳарфи бўйича тузилган. Бунга Махдихон ўзбек тилига хос яна тўрт ҳарф қўшади: п, т, ч, нг. Жами луғатда 32 ҳарф қайд қилинган. «П» ҳарфини луғатчи бои ажамий, «г» ҳарфини кофи ажамий, «ч» ҳарфини жими ажамий, «нг» ҳарфини нун ва кофи ажамий атамалари билан кўрсатадики, бу XVIII аср ўзбек тилини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Олим ўзбек тилининг ички хусусиятидан келиб чиқиб турли ҳарфларга турлича миқдорда сўзлар келтиради. Масалан, «ш» ҳарфига 50 га яқин сўз келтирилса, итқи, изғи ҳарфларига бирнечагина сўз келтирилган. Махдихон зукко олим бўлгани учун луғат тузишдан олдин ўзигача бу соҳада қилинган ҳамма луғатлари чуқур ўрганди, уларнинг энг яхши томонларидан унумли фойдаланди. Шунинг учун «Санглоҳ» ҳам сифат

жиҳатидан, ҳам ҳажм жиҳатидан бошқа эски ўзбек лугатларидан ўзининг бир қатор ижобий томонлари билан ажралиб туради. Лугатшунос сўз маъноларини очиш учун асосан Алишер Навоийнинг поэтик асарларига мурожаат қилади. Айрим вақтларда қўшимча равишда Бобир, Ҳусайн Бойқаро, Лутфий каби шоирлар ижодидан ҳам мисоллар келтиради. Ушбу лугатнинг бошқа ўзбек классик лугатлардан фарқи шуки, «Санглоҳ»да биринчи марта насрий асарлардан ҳам мисоллар келтирилади. Масалан, «тўнгуч» сўзига «Бобирнома»дан қуйидаги мисол келтирилади: Султон Аҳмад Мирзонинг қизидин бир қиз бўлди. Менинг тўнгич фарзандим бу эди. Поэтик асарлардан олинган мисоллар асосан бир байтдан иборат. Чунончи рост гапирувчи маъносидаги шуккина сўзига қуйидаги мисол келтирилади:

شو كينه (259v) яъни рост гуфторак чунончи гўянд-
 Ҳар не дединг бор эди, боштин оёғ йалгангина,
 Эй Навоий мунча йалган дегуча бўл шуккина.

Камдан-кам вақтлардагина Маҳдихон ўз фикрини тасдиқлаш учун икки байт мисол келтиради. Лугатшунос амирлар ейдиган шилон овқати изоҳида тўрт мисра матн келтиради:

شیلان (260ч) ба ишбоъи касра ва фатҳи лом ба алифи кашида ва сукуни нун самоти салотин ва умаро ва итъоми онро гўянд чунонки дар хотимаи Ҳайрат-ул-аброр гўянд:

Хизмат аро бор эди бир қул анга,
 Пойаи хидматга баковул анга,
 Бир кун анинг базмида шилон чоғи,
 Шоҳға ҳам иштаҳа ўлган чоғи,

шилан — «ш» қисқа «и» билан, «л» фатҳали, алиф чўзиқ, нун устида сукун, султон ва амирлар ейдиган овқат, масалан «Ҳайрат-ул-аброр» хотимасида: ...

Маҳдихон сўз маъносини имкон борича аниқ, лўнда изоҳлашга ҳаракат қилади:

آر باماغ (34v) афсун кардан
 арбамағ — афсунламоқ

شول (259v) исми ишоранест яъне ом
 шул — олмош, яъни у.

Лугатнинг диққатга сазовор хусусиятларидан бири

шундаки, унда сўзнинг тузилиши ҳақида қимматли маълумотлар берилади. Бу маълумотлар XVIII аср эски ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Чунончи терламак феълининг товуш тузилиши қуйидагича кўрсатилади:

تيرلاماک (192v) ба сукуни ро ва фатҳи лом арақ кардан терламак — «р» устида сукун, «л» фатҳали (форсча) арақ кардан. Игнадан ип ўтказмоқ маъносидаги сапламоқ феълда «б» ва «л» ҳарфлари таъкидланади:

ساپلاماک (228v) ба сукуни бон ажами ва фатҳи лом яъне ришта ба сўзан кашидан сапламақ форсий «б» устида сукун, «л» фатҳали, маъноси игнадан ип ўтказмоқ.

Луғатда Алишер Навоий асарларида учровчи жуда кўп нодир сўзлар маъноси очиб берилган. Бу сўзлар бошқа луғатларда учрамайди. Шулардан бири қадам ташлаш, юриш маъносидаги мангиш сўзидир. Бу сўз маъноси Маҳдихон тарафидан қуйидагича изоҳланади:

مانگيش (319ч) ба сукуни нун ва касри қофи ажамий маъа ал имола ба маъний хиром ва рафтор ва қадам гузаштан буд, чунонки дар Лайли ва Мажнун гўяд, шеър:

Бир-бир мангишида юз латофат,

Иўқ—йўқки сочиб жаҳонга офат.

мангиш — нун устида сукун, форсий «к» (яъни «г») касрали, маъноси хиром ва рафтор қадам ташламоқ, чунончи «Лайли ва Мажнун»да учрайди.

Маҳдихон луғатда эск иўзбек сўзларидан ташқари мўгул ва турк тилига оид сўзларни ҳам киритади. Уларнинг изоҳида қайси тилга оидлигини аниқ кўрсатади:

غاشون (262v) ба луғати мўгули ба маъний талх буд гашун — мўгулча сўз (форсий) маъноси талх.

تامله (161v) ба сукуни мим ва фатҳи лом румия қатаро гўянд.

тамла — мим устида сукун, «л» фатҳали туркча қатра.

Маҳдихон уста луғатшунос бўлгани учун сўз маъноларини изоҳлашда турли, жумладан арабий сўзлардан ҳам усталик билан фойдаланади. Қуйида игна сўзини форсча сўзан деб қўяқолмасдан, қўшимча равишда арабча ибра калимаси келтирадики, ўқувчи луғатшуноснинг қувван ҳофизасига қойил қолади:

ايگنه (109ч) ба сукуни кофи ажамий ва фатҳи нун сўзан бошад, онро ба арабий ибра номанд игна — форсий «к» (яъни «г») устида сукун, нун фатҳали, (форсча) сўзан, арабча ибра.

Маҳдихон сўзнинг фонетик тузилишини баён қилиш чоғида XVIII аср Астробод ўзбекларининг тили ҳақида ноёб маълумотлар қолдирган. Луғат маълумотлари бу давр тилида тўққизта унли товуш бўлганлигини кўрсатади: а, и, и:, у, ў, э, қисқа а ва и.

Булардан 6 таси фонологик аҳамиятга эга: а, и, и:, у, ў, э, қолган учтаси, а қисқа а ва и товушлари фонологик аҳамиятга эга эмас. Унинг ундошлар ҳақидаги маълумотлари ҳам диққатга сазовор. Маҳдихон фикрича XVIII аср эски ўзбек тилида 28 та ундош бўлган: 1. б; 2. п; 3. т (ت) 4. ч; 5. ж; 6. ҳ (ح) ; 7. х (خ) ; 8. д; 9. з (ز) ; 10. р; 11. з (ذ) ; 12. с (س) ; 13. ш; 14. с (ص) ; 15. з (ض) ; 16. т (ط) ; 17. (ع) ; 18. ғ; 19. ф; 20. қ; 21. к; 22. г. 23. л; 24. м; 25. и; 26. в; 27. ҳ (ه) 28. нг.

Хуллас Маҳдихон сўзларнинг изоҳида эски ўзбек тили фонетикаси бўйича қимматли маълумотлар қолдирган.

Маҳдихон сўз маъноларини изоҳлар экан, уларнинг кўчма маъноларини алоҳида қайд қилиб ўтади. Чунончи этак сўзини изоҳларкан унинг асосий маъноси форсча доман эканлигини кўрсатади, шу билан унинг мажозан тоғ этаги маъносини англатишини қуйидагича кўрсатади:

ايتاگ (95v) ба маънии доман, будки онро ба араби зайл гўянд ва мажозан доманаи кўҳ...

этак — (форсча) маъноси доман, арабча зайл, мажозан тоғнинг этаги.

Ушбу луғатнинг аҳамиятини кўрсатиш мақсадида ундан айрим луғат мақолаларни таржима қилиб келтирамиз:

اشلاماگ (105v) ба сукуни шин ва фатҳи лом кор кардан ишламак — «ш» устида сукун, «л» фатҳали (форсча) кор кардан

تمل (161v) бар вазни дағал ба турки руми ба маънии асос ва бунёд бувад тамал — дағал вазнида, туркча маъноси асос ва бунёд.

توغراماق (179ч) ба сукуни ғайн ва фатҳи рои муҳмала реза кардан

гўграмақ — «ғ» устида сукун, нуқтасиз «р» (ر) фатҳали (форсча) реза кардан

تانكلاى (164v) ба сукуни нун ва кофи ажами ва ёйи хутти коми даҳанро гўянд

танглай — нун устида сукун, форсча «к» (яъни «г») ва «й» (форсча) даҳан.

كنكىس (301ч) ба фатҳи нун ва кофи ажами сукуни сини муҳмала номи уруғист аз ўзбакия

канагас — «н» фатҳали, форсча «к» (яъни «г»), нуқтасиз «с» (سى) устида сукун, ўзбек уруғларидан бири.

توزاق (175v) домро номанд чунон, ки дар Хисрав ва Ширин гўянд, шеър:

тузақ — (форсча) дом, масалан «Хисрав ва Ширин»да шеър...

Бало ичра фарағи бирла келмиш,

Тузақга ўз айағи бирла келмиш.

تيركوزماك (191v) ба сукуни рой муҳмала ва зон муъжама ва замми кофи ажами зинда кардан.

тиргузмак — нуқтасиз «р» устида сукун, нуқтали «з» форсий «к» (яъни «г») заммали, (форсча) зинда кардан.

جیلدام (220v) муродифи илдам ба маънии зуд ва сариъ бошад жилдам — илдам сўзига синоним (форсча) зуд ва сариъ.

مینداو (321v) ба сукуни нун ва вов фатҳи дол гарданро номанд

миндав — «н» ва «в» устида сукун, «д» фатҳали (форсча) гардан.

یاداماق (326v) ба маънии заиф ва нотавон бошад йадамақ — (форсча) заиф ва нотавон бўлмоқ

جیغی (218v) касри ғайн ҳамон جیغ бошад яъне фаръеду фиғон

жиғи—«ғ» касрала, «жиғ»га ўхшаш, (форсча) фаръед ва фиғон.

ایکما (109ч) ба маънии ҳамиди бувад аш шоҳид алайҳу, шеър:

Пузунгда ҳар саридин эгма қош эрур ёҳуд,

Бат алида они ҳиндуға воқеъ ўлди сужуд.

эгма—(форсча) ҳамиди, тасдиқловчи мисол, шеър...

«КИТОБИ ЛУҒАТИ АТРОКИЙА»

Алишер Навоий асарлари бўйича тузилган қўлёзма луғатлардан яна бири Фатҳ Алихоннинг «Китоби луғати атрокийа» асаридир. Бу луғат Санкт-Петербург дорилфунуни кутубхонасида сақланади. Уни у ерга шарқшунос А. А. Ромаскевич Техрондан 1914 йилда олиб келган. 1862 йилда ёзиб тугалланган бу луғат Алишер Навоий асарларига қизиқиш натижасида тузилган. Унда шоир асарларидаги 8000 га яқин туркий сўз форсча изоҳланган.

Бу луғатнинг бошқа қомуслардан фарқи шуки, унда сўз тузилиш икки хил изоҳланган: ҳам ҳаракатлар билан, ҳам фонетик терминлар ёрдамида.

Сўз тузилишини бундай изоҳлаш луғатчидан катта меҳнатдан ташқари кенг билимни талаб қилади. Айтиш мумкинки, бу ишни Фатҳ Алихон муваффақиятли бажарган. Буни қанчалик тўғрилигини кўриш учун бир неча мисол келтирамиз:

آتا (33a) ба фатҳи аввал ва тои қарашат ба алифи кашида ба маънии падар...

آتا — бошида фатҳа, сўнг «т», сўнг алиф, (форсча) падар...

آنى (29a) ба касри нун яъни уро
āни — «н» касрали (форсча) уро.

آتسين (20a) ба сукуни тои қарашат ва касри сини бенуқта яъни беному нишон...

آتسиз — «т» сукунли, нуқтасиз «с» касрали, (форсча) беному нишон...

باراى (87a) рои қарашат ба алифи кашида ва ба ё расида яъни баравам...

барай — «р» алиф билан, охирида ё (форсча) баравам.

ايكارچى (80a) ба касри аввал ва кофи форсий ба алифи кашида ва рои қарашат расида ва касри жими форсий саррож.

игарчи — «бошида» «и», сўнг форсий «к» (яъни «г») алиф билан, сўнг «р», форсий «ж» (яъни «ч») касрали саррож.

Луғат араб алифбоси бўйича тузилган бўлиб, ўзбек тилига хос п, г, ч, к ҳарфлари махсус атамалар билан киририлган.

Фатҳ Алихон сўз маъноларини лўнда ва ихчам изоҳлайди. Чунончи илдам сўзи тунд ва чобук деб қисқа тушунтирилади:

ایلدام (766) ба касри аввал ва сукуни ё ва лом тунд ва чобук...

ийлдам — бошида «и», «й» ва «л» устида сукун (форсча) тунд ва чобук...

Ўйди сўзи ковид феъли билан тушунтирилади:

اويدى (63а) ба фатҳи аввал ва сукуни ё ва касра доли бенуқта яъни ковид...

ўйди — бошида «ў», «й» устида сукун, «д» касрали (форсча) ковид.

Айрим сўзлар кенг, тушунтириш усули билан, масалан, эгиз сўзи ду бачаки як дафъа таваллуд шуд деб изоҳланган:

ايگيز (706) ба фатҳи аввал ва касри кофи този ду бачаки як дафъа таваллуд шуд

экиз — бошида «э», арабий «к» касрали (форсча) ду бачаки як дафъа таваллуд шуд — бир дафъада туғилган икки бола.

Ушбу луғатнинг бошқа қомуслардан фарқи шундаки, исмлар турли шаклда берилган. Луғатчилик аъъанасига зид бу усул сабабли луғат сунъий равишда катталашиб кетган. Масалан, бўри сўзи луғатда бўрига шаклида берилган:

بورىگا (1036) ба замми бон абжад ва касри рои қарашат гургро гўянд яъни ба гург бўрига — «б» заммали, «р» касрали (форсча) гург, яъни ба гург.

Бизнингча луғатда бўри сўзи берилгач, унинг бўрига шаклини келтириш шарт эмас. Худди шунингдек буйруқ сўзи ўрнига буйруғунг шакли келтирилганки, бу ҳол ҳам ўзини оқламайди:

بويروغونگا (1076) ба замми абжад ва сукуни ё ва замма

рои қарашат ва сукуни нун ва кофи форсий яъни ҳукми ту, фармойиши ту
буйруғунг—«б» заммали, «й» устида сукун, «р» заммали, «н» устида сукун, сўнг форсий «к» (яъни «г»), (форсча) ҳукми ту, фармойиши ту.

Инчунин буйруқ сўзи луғатнинг 112а бетида қайд қилинган:

بويروق — ба замми бои абжад ва рои қарашат ва сукуни ё амр ва фармон.
буйруқ — «б» ва «р» заммали, «й» устида сукун, (форсча) амр ва фармон.

Фатҳ Алихон сўз маъноларини тасдиқлаш учун асосан бир байт мисол келтиради.

Масалан, ўйнатай сўзига «Хазойин-ул-маоний» девонларидан бир байт мисол берилган.

اويناتاي 61a) ба фатҳи аввал ва сукуни ё ва нун ба алифи кашада яъни ба рақс биёварам дар чаҳор девон гўянд:

Ул парвариш тифл мактабдин ториқмиш пари даёр,

Қўйки бир дам ани мажнунлуқлар айлаб ўйнатай.

ўйнатай — бошида «ў», «й» ва «н» устида сукун (форсча) ба рақс биёварам, «Чор девон»да:..

Достонлардан олинган айрим мисолларгина икки байтдан иборат. Масалан, ўй қизи изоҳида буни кўриш мумкин:

اوي قیزی (626) ба фатҳи аввал ва касри зои нуқтадор ходима ва каниз гўянд дар Сабаи Сайёра гўянд:

Борча ходимлари пари янглиғ,

Ёшурун кундуз ахтари янглиғ.

Пари ўй қизлигида хидматкўш,

Не учун ким пари эрур девиўш.

Ўй қизи — бошида «ў», нуқтали «з» касрали (форсча) ходима ва каниз:..

Айрим мисоллардагина тасдиқловчи мисол бир мисрдан иборат. Масалан, узун сўзига бир мисра мисол келтирилади:

اوزون (57a) ба замми аввал ва зои нуқтадор яъни дароз ва низ амр аз равона шудан дар мисра гўянд:

Бу баҳона бирла ўз лайливашинг сори узун

узун — бошида «у», «з» нуқтали (форсча) дароз (узун) ва равона шудан (равона бўлмақ) феълининг буйруқ шакли.

Луғатда сўзларнинг асосан бир маъноси келтирилади. Масалан, ўксук сўзининг кам маъноси қайд қилинган:

او كوسك (586) ба фатҳи аввал ва сукуни кофи този ва замми син ба маънии кам зидди бисёр.

ўксук — бошида «ў», арабий «к» устида сукун, «с» заммали (форсча) маъноси кам, унинг зидди бисёр.

Айрим сўзларда уларнинг бошқа маънолари ҳам қайд этилган. Масалан, ўйун сўзида унинг икки: бози кардаи ва жанг маънолари келтирилади:

اويون (58a) ба фатҳи аввал ва замми ё бози кардан ва шиз ба маънии жанг.

ўйун — бошида «ў», «й» заммали (форсча) бози кардан ва жанг.

Луғатда туркий сўзлардан ташқари мўғулча сўзлар ҳам учрайди. Улар «ба луғати мўғул» белгиси билан кўрсатилади:

اوبوجين (576) ба замми аввал ва бои абжад ва касри жими абжад ба луғати мўғул хаста ва беморро гўяид убучин — бошида «у», сўнг «б», «ж» касралаи, мўғулча сўз, маъноси хаста ва бемор.

و بوک (556) ба замми аввал ва бои абжад ба луғати мўғул зимистон

убук — бошида «у», сўнг «б», мўғулча сўз, маъноси зимистон.

Луғатда XIX аср ўзбек тили бўйича ноёб маълумотлар сақланган.

Фатҳ Алихон унли ва ундошлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар қолдирган.

Луғатда ики хил а ҳарфи ҳақида маълумотлар бор. Чўзиқ а, алиф устига мадда (чўзиқлик аломати) қўйиб кўрсатилган:

آرى (23a) ба касри рон қарашат замбур
ари — «р» касралаи (форсча) замбур.

آز (23a) ба сукуни зои нуқтадор ба маънии андак
аз — нуқтали «з» устида сукун (форсча) андак. Оддий чўзиқликка эга бўлган а алиф ёки фатҳа атамаси билан кўрсатилади:

اسراسانك (266) ба сукуни сини бенуқта ва сини дигар ба алиф кашида ба нун ва кофи порсий расида яъни нигоҳбадори.

асрасанг — нуқтасиз «с» устида сукун, иккинчи «с» алиф билан, сўнг «н» ва форсий «к» (яъни «г») (форсча) нигоҳ-бадор.

Фатҳ Алихон алифу вов билан бошланадиган сўзлар ёнига ба фатҳа белгисини қўйиб, бу сўзни «ў» қилиб ўқиш лозимлигини таъкидлайди:

اورکامچى (61a) ба фатҳи аввал ва сукуни рои қарашат ва касри жими порсий анкабут.

ўрғамчи — бошида «ў», «р» устида сукун, форсий «ж» (яъни «ч») касрала (форсча) анкабут.

Алиф вов билан бошланадиган сўзлар ёнига ба замма белгиси қўйилса, уни «у» қилиб ўқиш керак:

اوماق (64a) ба замми аввал ба маънии қабила.

умақ — бошида «у» маъноси қабила.

Сўз ўртасидаги «ў» ҳарфини кўрсатиш учун луғатчи таркибида вов ишлатилган сўзлар ёнига бил фатҳ белгисини қўяди:

بوليك (112a) ба фатҳи бои абжад ва касри лом фирқа ва гуруҳ

бўлик — «б», «ў» унлиси билан, «л» касрала, (форсча) фирқа ва гуруҳ.

Сўз ўртасидаги «у» ҳарфини кўрсатиш мақсадида Фатҳ Алихон таркибида «вов»ли сўзлар ёнига ба замма белгисини қўяди:

بوغداى (110a) ба замми бои абжад ва сукуни ғайн гандумро гўянд

бўғдай — «б» заммали, «ғ» устида сукун (форсча) гандум.

Луғатчи сўз бошида келувчи алифу ёй ёнига фатҳа белгиси қўйиб, бу сўзни «э» билан бошланишини кўрсатади:

ايرته (80) ба фатҳи аввал ва сукуни ё ва рои қарашат ва фатҳи тои қарашат ба маънии фардо

айрта — бошида «э», «й» ва «р» устида сукун, «т» фатҳали (форсча) фардо.

Агар бу бирикмали сўз ёнида ба каср белгиси турса, уни «и» ҳарфи билан ўқиш лозим:

ايل (76a) ба касри аввал ва сукуни ё ва лом ба маънии аҳли халқ.

ийл — бошида «и» ва «й» ва «л» устида сукун (форсча) аҳли халқ.

«ў» унлиси луғатда ба замма билан кўрсатилган.

بوته (1156) ба замми бои абжад ва фатҳи тои қарашат яъни фарзанд
бута — «б» заммали, «т» фатҳали, маъноси фарзанд.

«И» унлиси Фатҳ Алихон томонидан бил каср атамаси билан кўрсатилган:

بين (1206) ба касри бои абжад ва сукуни зон нуқтадор яъни мо.

биз — «б» касрали, нуқтали «з» устида сукун (форсча) мо.

Сўз ўртасида келувчи «э» ҳарфини Фатҳ Алихон таркибида касра бор сўз ёнига ба фатҳа атамаси қўйиш билан кўрсатади:

بيرماك (1206) ба фатҳи бои абжад ва сукуни ё ва рои қарашат яъни додан.

бэйрмак — «б» фатҳали, «й» ва «р» устида сукун, (форсча) додан.

Луғатда чўзиқ «ў:» вои маълум атамаси билан берилган:

توقسان (158a) ба фатҳи тои қарашат ва вои маълум ва сукуни қоф адади нудро гўянд

тўқсан — «т» чўзиқ «ў:» билан, «қоф» устида сукун (форсча) нуд.

Қисқа «у» вои мажҳул атамаси билан кўрсатилган:

آووجلاب (256) ба замми вов ва ёви мажҳул ва сукуни жими абжад амрист аз коф даст гирифтган.

āvuchlab—«в» қисқа «у» билан, «ж» устида сукун, кафига олмоқ феълининг буйруқ шакли.

Луғат маълумотлари унда қуйидаги унли товушлар бөрлигини кўрсатади:

1. Алифи мамдуда — чўзиқ а

2. Алиф, фатҳа — оддий а

3. Замма—у

4. Замма фатҳали — ў

5. Касра — и

6. Касра фатҳали — э

7. Вои маълум— чўзиқ ў:

8. Вои мажҳул — қисқа у*

«ФАРҲАНГИ ҲАЗРАТИ МИР АЛИШЕР МУЛЛАҚАБ БА АЛ НАВОИЙ»

Беш юз йил давомида Алишер Навоий асарлари турли мақсадларда, турли ҳажмларда кўчирилиб келинди. Адабиёт мухлислари шоирнинг ўзларига ёққан шеърларидан терма девон тузган бўлсалар, бошқалар унинг меросидан кўпроқ баҳраманд бўлиш мақсадида девон, дostonларни кўчириб улардан маънавий озуқа олганлар. Баъзи адабиёт ихлосмандлари эса кўчириб олинган газалларни тўғри тушуниш учун улардаги қийин сўзлар учун махсус луғатлар тузганлар. Ана шундай луғат тузганлардан бири хивалик Охунд ибн Мир Ҳасан Чаҳорғўйидир. Охунд ака бир неча йил машаққат чекиб Алишер Навоийнинг шоҳ асари «Ҳазойин-ул-маоний»ни кўчириб тугатгач, ундаги газалларини ўқиб тушуниш учун девон охирига бир кичик луғат илова қилган. У девоннинг тўққиз бетига, яъни 392—401 саҳифаларига чизилган жадваллар ичига жойлаштирилган. Ҳар бир бетдаги жадвал қирқ саккиз катакдан иборат бўлиб, сўз ва унинг маънолари ана шу катаклар ичига ёзилган.

Луғатга «Фарҳанги ҳазрати Мир Алишер муллақаб ба ал Навоий раҳматуллоҳи алайҳа» деб ном қўйилган. Луғат охирида қуйидаги ёзув бор: *рассамаҳу фақир-ул-ҳақир ибн Мир Ҳасан ал Чаҳорғўйи гафар-ал-ҳума ва сатара уйубаҳумо фи шаҳри жумодис соний 1265 ёзди фақир-ул-ҳақир Охунд ибн Мир Ҳасан Чаҳорғўйи худо уларнинг иккаласини ҳам (гуноҳини) кечирсин ва уларнинг иккаловини ҳам айбларини беркитсин — апрель 1849 йил. Ву деган сўз ушбу луғат 1849 йили ёзиб тугалланган.*

Луғат чиройли настаълиқ хатида ёзилган. Ҳар бир ҳарф билан бошланувчи сўзлар махсус сарлавҳалар билан ажратилган: боб-ул-то—«т» ҳарфидаги сўзлар; боб-ул-вов—«вов» ҳарфидаги сўзлар; боб-ул-ғайн—«ғ» ҳарфидаги сўзлар...

Луғат араб-форс алифбоси бўйича тузилган бўлиб, унда жами етти юз сўз изоҳланган. Ҳар бир ҳарфга маълум

миқдорда сўзлар келирилган. Ўзбек тили учун ёт бўлган се, зод, итқи ҳарфларига бармоқ билан санарли оз сўзлар берилган. Охунд ибн Чаҳорғўйи сўзларни изоҳлашда уларнинг қайси тилга ондлигига қараб эмас, балки қанчалик халққа тушунарли эканлигига эътибор беради. Айрим арабча-форсча сўзлар ўзбекча изоҳланган: аб—ота, аҳмар—қизил, тул—узун, ҳисор—қўрғон.

Баъзи арабий-форсий сўзлар кенг халқ оmmasига таниш, тушунарли шу хил калималари билан тушунтириб берилган: авроқ—варақлар, ашкол—шакл, арқом—рақам.

Луғатнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб луғатшунос сўзларнинг асосан бир маъносини беради: айн—кўз, беҳбуд—хўблук, адам—йўқлук, тавсан—от, туроб—хок. Сўзлар лўнда, ихчам изоҳланган: рахш—от, мифтоҳ—очқу, мовий—кўк, шамс—офтоб, рифъат—баланд. Айрим сўзларнинг маъноси тавсифий йўл билан очиб берилган: маҳуз—рақам қилғон, сойир—сайр қилғучи, садоъ—бош оғриғи.

Ушбу мўъжаз луғат икки жиҳати билан аҳамиятли. Бир томондан у ота-боболаримизнинг илм-маърифатга қанчалик интилганлигини кўрсатса, иккинчи томондан оддий бир адабиёт ихлосмандлигининг шунчалик ҳафсала билан луғат тузганлиги, инқилобгача ўзбек халқининг атиги икки фоизи саводли эди, деган гапларни нотўғри эканлигини кўрсатувчи ҳужжат сифатида диққатга сазовор.

Мақола охирида ўқувчилар луғатни аниқроқ тасаввур қилишлари учун унинг айрим боблардан намуналар келтирамиз. Боб-ул-жим—«жим» ҳарфидаги сўзлар: жали-равшан, жамил—некрўй, жовид—ҳамиша, жумрат—ҳусни хўб, жода—йўл, жайрон—кийик, жавод—саҳро, жилд—пўст, жарас—қўнғироғу; боб-ул-ҳо—«ҳ» ҳарфидаги сўзлар: ҳадаё—ҳадя, ҳанжар—ҳамвор, ҳола—ой кўтонлонғон, ҳадаф—нишон, ҳарза ҳавон—беҳуда; боб-ул-ёй—«ёй» ҳарфидаги сўзлар: яди туло—қўли узун, ёлин—ўт, яғмо—торож, юср—осон, яда—беҳуда, яъс—ноумид, юм—кун, юрун—ямоғ, ёғду—ёруқ, яди байзо—қўли нур, ях—муз,

ХУЛОСАЛАР

Ушбу луғатларда Моварауннаҳр ва Хуросондаги турли-туман ўзбек шеваларининг битмас-туганмас сўз бойлиги акс этган. Ана шу ажойиб бойлик қадимдан махсус луғатлар тузишни тақозо қилган. Ҳозирча фанда ўттиздан ортиқ луғатлар тузилганлиги маълум. Лекин булар ичида кўрсатиб ўтилган қомуслар фавқулодда катта аҳамиятга эга. Чунки ўрта аср луғатчилик анъанаси асосида тузилган бу луғатларда ўзбек сўзларининг товуш тузилиши ҳарфма-ҳарф кўрсатиб берилган. Жами бу луғатларда йигирма мингдан ортиқ ўзбек сўзларининг орфоэпия, орфографияси ва маънолари ҳақида ноёб маълумотлар сақланган. Улар ўзбек тилининг XV асрдан то XIX асргача ривожланиб, ўзгариб келганлигини кўрсатувчи илмий кўзгу. Тилимиз тараққиётидаги ўзгаришларни бу луғатларсиз ўрганиб бўлмайди. Уларда қимматли маълумотлар сақланиб қолган:

1. Эски ўзбек луғат тузувчилари ҳар бир унлини ўзига хос талаффуздан келиб чиқиб, уларни узун-қисқалик ва тор-кенглик бўйича тасниф қилганлар. А унлисини узун-қисқалик, и, э, ва у, ў унлиларини эса тор-кенглик бўйича тасниф қилганлар. Луғатлар ўзбек тилида тил олди ва тил орқали унлилари бўлмаганлигини кўрсатди. Луғат тузувчиларининг кўрсатишига қараганда, ўзбек тили учун юмшоқлик ва қаттиқлик ҳам хос эмас. Бу маълумотлар бизни Овруро олимлари тарафидан киритилган сунъий таснифдан воз кечиб, ота-боболаримиз таснифидан фойдаланишимиз кераклигини кўрсатади. Бу таснифнинг энг аҳамиятли томони шундаки, унда унли ҳарфларнинг вариантларини кўрсатиш мумкин.

2. «Бадойи-ал-луғат» Алишер Навоий тилида тўққизта унли бўлиб, улар бир-бирларидан узун-қисқалик ва тор-кенглик бўйича фарқланганлигини кўрсатади. Луғатчи а унлисини узун—қисқалик, и, э ва у, ў унлиларини тор—кенглик бўйича тасниф қилган.

3. Эски ўзбек луғат тузувчилари ўзбек тилининг турли жойларида унлилар сони турлича бўлганлигини кўрсатганлар. Демак, эски ўзбек тилидаги ҳамма ёзгорликларни бу-

гунгидек бир хил — тўққиз унли билан таснифлаш жўтўри экан. Буни ҳозирги ўзбек шевалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозир ҳам ўзбек тилининг турли шеваларида унлилар сони турлича.

4. Луғатларни ўрганиш шуни кўрсатадики ўзбеклар араб алифбосини қабул қилиб олгач, унга ижодий ёндошганлар. Бу ижодий ёндошиш қуйидагиларда кўринади:

Эски ўзбек алифбоси бўйича луғат тузган олимлар биринчи даврда ўзбек тили учун хос форсийларда учрайдиган п, ч, г ҳарфларини махсус ҳарф сифатида алифбомизга киритдилар. Буларни махсус ҳарф дейишимизни сабаби шуки улар луғатларда махсус атамалар билан кўрсатилган. Масалан, «п» ҳарфини луғатчилар бон ажамий, «ч» ҳарфини жими ажамий, «г» ҳарфини кофи ажамий атамалари билан кўрсатганлар. Биринчи бўлиб бу атамалар Толи Имонийнинг «Бадойи-ул-луғат» асарида учрайди. Шунингдек фатҳа, қасра, замма атамалари билан оддий чўзиқликка эга бўлган, а, и, у ҳарфлари кўрсатилган.

5. Эски ўзбек тили бўйича луғат тузган олимлар араб алифбосидаги уч белги алиф, вов, ёй ўзбек тилидаги ҳамма унли товушларни бера олмаслигини англаб етгач, турли йўлларни қидира бошладилар. Биринчи навбатда олимлар бу уч белги қаторига сўз бошида келиб у ва ў ҳарфларини кўрсатадиган алифу вов, и ва э ҳарфларини акс эттирадиган алифу ёй графемаларини киритиб унли ҳарфлар сонини бештага етказдилар. Бу билан улар унлиларни аниқроқ кўрсатиш бўйича катта қадам ташладилар.

6. Кейинчалик луғатчи олимлар бу беш ҳарф: алиф, вов, «й, алифу вов, алифу ёй белгилари ҳам эски ўзбек тилидаги унлиларнинг сифат хусусиятларини бера олмаслигини кўргач, уларни янада такомиллаштириш ҳаракатига тушдилар. Бу беш ҳарфни турли грамматик атамалар билан ишлата бошладилар. Масалан «Бадойи-ул-луғат» муаллифи Толи Имоний оддий чўзиқликка эга бўлган «а» товушини алифи мафтуха, чўзиқ «ā»ни алифи мамдуда, қисқа «а»ни алифи мақсура атамалари бўйича кўрсатади.

7. Ўзбек луғатчилари эски ўзбек тилидаги ундош ҳарфларни ҳам такомиллаштирдилар. Ўзбек тилига хос бўлмаган итқи изғи, сод, зод ҳарфларни алифбомизга киритмаганлар. Унинг ўрнига ўзбек тилига хос бурун товуши «нг»ни махсус ҳарф сифатида олиб кирганлар.

Терингга берилди Босишга рухсат этилди Литературная
гарнитура юқори босма усулида босилди. Формати 60x84 ¹/₃₂. Босма
листи 1, 12. Тиражи 600 Баҳоси 2 сўм Буюртма № 29.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ҳ. С. Сулаймонов номидаги
Қўлёмалар институти. 700011, Тошкент, Навоий кўчаси, 69.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ҳ. С. Сулаймонов номи-
даги Қўлёмалар институтининг ихтисослаштирилган босмаҳонаси.

